



Чўлпон (1897- 1938)



«Кўклам билан юртимга ҳам бир кўкариш келсайди»

Чўлпон XX аср ўзбек шеъриятининг энг йирик вакили. У ўткир шеърияти, юксак таржималари, кучли драмалари, мумтоз романи ва куюнчаклик билан ёзилган публицистик мақолалари ҳамда жанговар ижтимоий фаолияти билан ўзбек адабиёти, ўзбек маданияти ва ўзбек миллий тафаккури ривожига ўзининг улкан хиссасини қўшди. Адабиётга маърифатпарвар сифатида кириб келган Чўлпон озодлик, тенглик, адолат, мустиқликнинг кўркмас куйчиси ва зулм, ёвузлик, босқинчилик, талончиликнинг ашаддий душмани сифатида шухрат қозонди, ҳатто, «чўлпончилик» деган йўналишнинг сардорига айланди (совет мафкурачилари «чўлпончилик» иборасини аслида салбий, яъни «миллатчилик» маъносида қўллаган, ҳақиқатда эса у миллатпарварлик, адолатпарварлик тушунчасини ифодалаган).

Чўлпон шоирнинг таҳаллуси бўлиб исми-фамилияси Абдулхамид Сулаймоновдир. У 1897 йилда Андижон шаҳрининг Катортарак маҳалласида дунёга келди. Шоирнинг синглиси Фоиқа ая, «Абдулхамиднинг йили сак эди, демак, 1898 йилда тугилган», дейди. «Садой Туркистон»-нинг 1914 йил 18 апрель сониди Абдулхамид имзоси билан «Туркистонлик қардошларимизга» ва 24 сентябрь сониди «Маорифпарвар» бобомиз мухтарам Исмоил Гаспиринский хазратлари ҳақида таъзияномамиз» деган шеърлари босилади. Биринчи

шеър остига Абдулхамидни 15 ёшда, иккинчи шеър остига 16 ёшда, деб кўйилган. В. Ян томонидан «Катта совет комуси» учун ёзилган маколада (улар дўст бўлишган, маколадаги далилларни бевосита Чўлпондан сўраб ишлатган) ва НКВД хужжатларида 1897 йилда тугилган дейилган.

Чўлпоннинг отаси Сулаймон Мулла Мухаммад Юнус ўгли ўз даврининг илгор, ўқимишли зиёлиси бўлган. У аввал дехкончилик билан шугулланган бўлса-да, кейинча савдо-тижорат ишлари билан машғул бўлган, Сулаймон баззоз деб ном чиқарган. Гарчанд у рухоний бўлса-да, жаҳолатга қарши турган, вақтли матбуотни мунтазам ўқиб борган, шеърлар битган, газалларига «Расво» таҳаллусини қўйган. Абдулхамидни ҳам мулла килмокчи бўлади, эски мактабда, сўнгра мадрасада ўқитади. Бўлгуси шоир рус-тузем мактабида таълим олиб, рус тилини ўрганади. Абдулхамиднинг онаси Ойша аянинг саводи бўлмаса-да, ўткир зехнли, халқ ижодини яхши билган шуурли аёл бўлган. Чўлпон ўша вақтда Тошкентда, Самаркандда, Козонда, Бокуда ва Туркияда чиқиб турган газета, журналларни ўқиб борган. Исмоил Гаспиринский, Махмудхўжа Бехбудий, Абдулла Авлоний, Хамза, айникса, Фитрат асарларини, уларнинг ижтимоий-сиёсий қарашларини ўрганади, улардан рухланади. «Улуг хинди» маколasiда ёзишча, Чўлпон, Навоий, Лутфий, Хусайн Бойқаро, Машраб, Умархон, Фазлий, Фуркат, Муқимийдан тортиб Боту, Гайратий, Олтой, Ойбек, А. Кодирий, Авлоний, Тавалло, Сиддикий, Хамзагача ҳар хил даражадаги ва йўналишдаги ижодкорларни, шунингдек Тўқай, Х. Жовид, Алиф Сайфи, Ризо Тавфик, Яҳё Камол, Тагор каби хинд, озарбайжон, турк, татар ёзувчиларини ўқийди-ўрганади. Булардан Ризо Тавфик, Яҳё Камол, айникса, Тагор дилига яқин туюлади.

Чўлпоннинг сиёсий онги, ижтимоий қарашлари ва миллий бадиий тафаккурининг ўсишида унинг ижтимоий ҳаётда фаол иштироки муҳим аҳамиятга молик бўлди. Барча вақтли матбуотларда ўз мақолалари, фелъетонлари, шеърлари билан иштирок эта бошлайди. Аҳмад Закий Валидий Чўлпоннинг 1917 — 1918 йилларда Бошқирдистонда ҳукумат раисининг котиби бўлиб ишлаганини айтади. 1919 йилда Фарғонада чиқадиган «Янги Шарк» газетасида ишлайди. 1921 — 1922 йилларда «Ахбори Бухоро» газетасида муҳаррирлик қилади. 1923 йилда Андижонда «Дархон» газетасида масъул муҳаррир ўринбосари бўлиб ишлайди. 1924 йилда Москвада ўзбек маориф уйида ўзбек театр студияси ташкил этилади. Унда А. Хидоятлов, Л. Назруллаев, Уйгур, Е. Бобожонов, М. Мухамедов, С. Эшонтўраева каби ёшлар таълим олишган. Чўлпон шу студияда раҳбар, адабий эмакдош сифатида ишлаган, «Ревизор», «Маликаи Турандот» асарларини таржима қилиб берди ва ўзбек артистлари уларни сахналаштирди. Студия талабалари 1927 йилда ўқишни тамомлаб Тошкентга қайтишди. Москвада катта ижодий муҳитда сиёсий онги ва эстетик диди ўсиб, камол топиб келган Чўлпон большевиклар учун янада ҳавфлирок туюла бошлади. 20-йиллар бошларида Чўлпонга қарши бошланган кураш энди авжига чиқди, матбуотда кетма-кет уни миллатчидан олиб миллатчига солишди. Олим Шарафиддинов «Чўлпон йўқсул халқнинг шоири эмас. У — миллатчи, ватанпараст, бадбин зиёлиларнинг шоиридир», деди. 1927 йил 4—5 октябрда Ўзбекистон маданияти ходимлари II курултойи бўлади, унда Чўлпонни ҳатто Акмал Икромов ҳам танқид қилади, курултойдан у хайдаб чиқарилади. Чўлпон шу курултой раёсатига мактуб ёзиб, «ўз хатоларимга ўзим тушундим. У ёзган нарсаларим ва сўзлаган сўзларим камбағал ва йўқсуллар душманларининг фойдасига хизмат қилганини билдим», деб йўқ айбини бўйнига олади ва театр соҳасида ишлар қилиб «айбини ювишга» ваъда беради. 1928 йилда «Замона хотини», яъни «Муштумзўр» пьесасини шу ваъдасини устидан чиқиш

учун ёзган эди.

Чўлпонга бўлган хуруж, тазйик кучайса кучаядики, лекин сусаймайди. У Файзулло Хўжаев маслахати бўйича 1932 йилда Москвага кетади ва у ерда СССР Халк Комиссарлари Кенгашида таржимон бўлиб ишлайди. Чўлпон 1923 йилда Солиха деган кизга уланган эди, шоир ўзидан фарзанд бўлмаслигини аниқлаганидан сўнг унга жавоб беради ва 1932 йилда Москвада Екатерина Ивановна деган аёлга уйланади. Солиха бошкага турмушга чикиб, тўккиз фарзанд кўради.

Чўлпон шеър ёзадими, пьеса ёзадими ёки романми — нима ёзса, матбуот уни дўппослайверади. Хатто унинг махорат билан таржима килган «Хамлет» ёки «Она» романларини ҳам кадрламайдилар. 1937 йил 7 — 8 апрелда Ўзбекистон ёзувчилар Уюшмасининг мажлиси бўлади. Чўлпон сўзга чикиб имкони борида меҳнат килиб, янги асарлар ёзгани, кўплаб таржималар килгани, бироқ улар адолатсизларча танкид килинганини айтиб, «мен миллатчи эмасман», дейди. Бу вақтда Чўлпон Хамза театрида адабий эмакдош эди. «Муштум»да ҳам адабий ходим эди. Чўлпон совет тузумини, компартияни, Ленинни мактаб «Соз» тўпламини чикарди, «Жўр» тўпламини нашрга топширди, «Кеча ва кундуз» романида ўтмишни фош этди, «Борис Годунов», «Она» каби асарларни таржима килди, «Замона хотини» пьесасида аёллар озодлиги масаласини химоя этди. Лекин уринишлари уни фожиадан саклаб қололмади. 1937 йилда уни хибсга олишди, 1938 йил 4 октябрда отиб ташлашди.

Чўлпонда ижод туйғуси эрта уйғонди. Хали талабалик йилларидаёқ унинг шеър, мақола, фельетон ва хикоялари матбуотда кўрина бошлайди. 1914 йилда унинг-«Бизнинг халқ» шеъри, «Қурбони жаҳолат» хикояси, «Дўхтур Мухаммадёр» хикояси («Садои Туркистон») ва «Мадрасаларимиз аҳоли» («Садои Фарғона»), «Мақтаб» («Садои Туркистон») каби мақола, хабарлари босилди. Буларда маърифатпарвар ёзувчи сифатида кўринади. Чўлпон бадиий адабиётнинг вазифаси халқни жаҳолат уйқусидан уйғотиш, жамиятнинг ривожига ва инсон барқамоллигига ҳалакит берувчи иллатлардан ҳалос бўлиш — рухий, маънавий фориғланишдан иборат деб билди. У «Садои Туркистон» газетасининг 1914 йил 15-сонидан босилган «Адабиёт надур?» мақоласида «Бас, масала бу тарик экондур, ҳаётимизнинг бетўхтов ҳаракат килиб турмоғи учун сув, ҳаво нақадар зарур бўлса, қундалиқ маишатимиз йўлида руҳимиз ва вужудимизни заҳматқаш фалакнинг қора қирлари, аччиқ қурумларидан ювиб турмоқ учун адабиёт шу қадар зарурдир», дейди. «Қор қўнида» хикоясида қари қолган ўқинчи хотин килиб берилган ўн етти яшар Шарофатнинг қора қони — қора тақдирини кўрсатади. Тўй бўлиб ўтган қўчани «қоп-қоронғи жимжит бир қўристон», «бу кеча ҳудди эшон бобонинг қўнғлидек бўлиб қолган», деб таърифлайди. Мамат қоровул бу қожиали қолни «Дунё ўзи шу қадар тесқари дунё экан... қоланинг устига қор ёғди», дейди. Чўлпон ижодига қожиали мавзу шу хикоясидан қириб қелди ва охири-оқибатда ижодининг ўқ томирига айланди. Қожиали вазият, қожиали муҳит ва шароит, қожиали қаҳрамонни тасвирлаш унинг шеъриятию, хикоя, пьеса ва романининг марказий масаласига айланди. «Қурбони жаҳолат»ни ёзганда Бехбудийнинг «Қадарқуш» пьесаси қуртда жуда машҳур эди. «Қадарқуш» фарзанднинг ўғирлик йўлига қириши ва оқибатда ўз отасининг қотилига айланишининг сабаби жаҳолат ва илмсизликка қолган эди, бир ўринда қурбони жаҳолат бўлди, дейилади. Чўлпон хикоясида ҳам ўғирлик қилган йигит, унинг қасофатига айбсиз йигитнинг ўзини ўлдириши ҳақида хикоя қилинади. Шу жаҳолат қурбони Эшмурод «Биз одам бўлмаймиз... Битамиз... Инқироз бўламиз... Оҳ жаҳолат. Жаҳолат, битдук, битдук. Ўлдук... тирилмайман....», деб фикрлайди. Чўлпон кейин ҳам

«Ойдин кечалар» (1922), «Новвой киз» (1927) каби хикояларни ёзди. Булар бадиий жихатдан пишик. Аммо илк катта хикояси «Дўхтур Мухаммадёр» хикоясида колоклик, жаҳолат танкид қилиниб, илм орқали бахт-саодатга эришиш мумкинлигини кўрсатувчи бу хикоя эса бадиий жихатдан суств. Унда публицистик тафаккур устун, ёзувчи гоёси қахрамон тақдирига, образ мағзига сингдирилмаган. Албатта, бу хикоя Чўлпон ижодининг илк даври, илк босқичига мансуб.

Дарвоқе, Чўлпон ижодий йўлини бир неча босқичга бўлиш мумкин. Хаётдаги воқеалар, таъсирида унинг дунёқараши, нуқтаи назарида ўзгаришлар юз бериб турди. Биринчи босқичи ўша маърифатпарварлик, жаҳидчилик руҳидаги асарларини ўз ичига олса, иккинчи босқичи Октябрь тўнтариши кунларида ёзган шеърларидир. Чўлпон Октябрь инқилоби халққа орзу қилинган озодликни, тенгликни, мустақилликни беради, деб умид қилди ва ишонди. Унинг «Кизил байроқ» (1917), «Шарқ нури», (1918), «Кизил байналмилал» (1920) каби шеърлари шу руҳга йўғрилган. Кўп ўтмай ўйлаган орзулари сароб бўлиб чиққанлигини англади. Юртда мустамлақачиликка қарши озодлик ҳаракати авж олди. Чўлпон бу курашдан гоёт руҳланди, зулм, босқинчилик, тенгсизликни фожия, чин озодликка қақирди. «Пўртана», «Ёруғ юлдузга», «Тортишув тонги», «Халқ», «Мен қочмадим», «Бузилган ўлкага» (булар 1920-1921 йилларда ёзилган шеърлар бўлиб, шу йўналишдадир). Тўртинчи босқичдаги шеърлари 1921-1923 йил ўрталарига тўғри келади. Бу даврда босмачилик ҳаракати мағлубиятга учрай боради. Шундан сўнг Чўлпон «Амолимнинг ўлими», «Ёнгин», «Кураш», «Виждон эрки», «Кўзғалиш», «Кўнгил», «Бас энди» каби шеърларини яратади. 1923 йилга келиб Туркистонда «босмачилик» ҳаракати тор-мор этилади, шу туфайли Чўлпон руҳий таслим йўналишидаги шеърларини ёзади. «Сомон парча», «Ҳазон» (1923) шеърлари мана шу бешинчи босқичга доир. Шоир ижодининг олтинчи босқичи эса, унинг совет позициясига ўтиши, «кизиллашиши» давридир. «Созим», «Мен шоирман», «Ўн олти», «Октябрь», «Яна олдим созимни», «Янги мен» каби шеърлар ана шу руҳдаги асарлардир.

Ҳақиқий ижодкор яратган образларда қалбининг таржимаи ҳолини ҳамда у мансуб бўлган халқнинг ҳаёт йўлини ўқиш мумкин. Агар Чўлпон образларига назар ташланса, Октябрь инқилобига болаларча самимий ишонишидан тугилган романтик шеърларидан тортиб, то умидларининг сароб бўлиб чиққан пайтларидаги мунгли, фожиявий руҳдаги шеърларигача, халқни ёвдан ўч олишга, эзгу ният учун жонини қурбон қилишга қорловчи ва ниҳоят руҳий тушқунликка тушган муҳит, замон — тузум ҳукмига таслим бўлган онларидаги қайфияти — ҳолатигача билиш, сезиш мумкин. Чунки Чўлпон ўзини халқнинг бир зарраси, унинг дилининг ифодачиси ва унинг ҳалосқори деб ҳис этар эди. У ниҳоятда таъсирчан, эҳтиросли, қайноқ, ёник шоир эди. Унинг ўз ибораси билан айтганда, «туйғуси сел шоир» эди, инсоннинг «руҳига қириш»га муваффақ бўларди. Чўлпоннинг ҳамлетона руҳдаги — «Улуг, қаттиқ ағдарувчи бир кураш. Ё бор бўлиш, ё йўқ бўлиш: йўқ яраш», деган мисралари эътиборга лойиқ. Чўлпон ўз виждонини «илохий виждон», севгисини шунчаки муҳаббат эмас, балки «илохий муҳаббат», дейди, юртини, халқини шунчаки яхши кўрмайди, балки «фақат Мажнун бўлиб севади» ва «бошимни у учун дорга қўяман», дейди, душманининг қудратини ҳам яхши билади ва шунинг учун «улуг ёв» дейди. Чўлпон воқелиқдан, ҳаётдан қандай қаттиқ таъсирланган, қандай ҳолатга ва қайфиятга тушган бўлса, айтайлик ё қаттиқ қаҳрланса, ё чексиз изтиробга тушса, ё руҳи инқилоб қилса, шу ҳолатини, шу қайфиятини борлигича шеърга қўчиришга эришади. «Мен шоирми?» шеърида «Шундай гўзалликни, аттанг, агар мен расом бўлсам эди, қизиқ берардим», «ҳар бир тушунчамни ёза олмагач, расомдек ҳаёлга қиза

олмагач», «шоирлик менда бир соями дейман», дейди. Аслида Чўлпон инсоннинг рухий ҳолатини равшан чизиб берувчи, ҳар бир тушунчанинг ҳам суратини ола билувчи буюк рассомдир. Шеърларининг ўқувчини сеҳрлаб, мафтун қилиб қўйишининг боиси шу ерда. Унинг аксарий шеърлари ё ўзининг — «Мен»нинг бевосита дардини изхор этади ёки кўпроқ иккинчи шахсга қаратилиб, ҳам унинг, ҳам сўзловчининг руҳияти, қайфиятини ифодалайди. Шунинг учун очик, самимий, рост ва гоҳ сўрок, гоҳ мурожаат, гоҳ ундов, гоҳ суҳбат оҳангини олиб туради. Такрор ва синонимлар, ҳар хил таъкидларнинг қўплиги ҳам шу туйғуни, ниятини мукамал бермогидан, «Киз қўшиги» шеърида банднинг бешинчи мисрасида «Кора кунлар тушди менинг бошимга» деган жумланинг факат биринчи сўзи алмаштирилиб, ҳар сафар такрорланиб келади (ёмон, огир, кийин, конли, ўтли, ёрсиз кунлар тушди менинг бошимга) ва киз ҳолатини бор бўйича гавдалантиради. «Кизил байроқ»да, «Энди кора якин келмас нурлар сачратган окка», деган мисра бор. Чўлпон зулми, адолатсизликни, тенгсизликни, бахтсизликни кора рангда ва эзгулик, поклик, бахтиёрлик, адолатни ок рангда идрок этади. Бу шеърни ёзган пайтида Октябр инкилоби халкни кора кундан — ўтмишдан, бахтсизликдан ҳалос этди, деб тушунган эди. Кўп ўтмай бу шодлиги шунчаки бир сароб, ҳаёл бўлиб чикканини сезади ва энди ўзбек халқининг қайтадан бахтсиз бўлиб қолганини ифодаловчи «қўланка», «булут», «парда», қисқаси «кора» образи янгича маънода фаоллашади, бу образлар то «Кеча ва кундуз» романи ёзилгунча шу маънода қўлланади. Бу роман ёзилган пайтда Чўлпон рухий енгилган, совет тузумига таслим бўлиб, яна ўтмишни коронгу, яъни кеча тусида идрок этишга мажбур бўлган эди. Чўлпон романни «Кеча ва кундуз» деб, «Кема» қисмида ўтмишнинг коронгу манзарасини чизган бўлса (ёзувчилик таланти билан чоризмнинг мустамлакачилик башарасини ҳаққоний очган ва ўзбек халқи орасида миллий уйғониш юз бераётганини кўрсатган бўлса), ёзилмаган ёки ёзилган бўлсада топилмаган «Кундуз» қисмида, эҳтимол, халқнинг Октябр инкилобидан кейинги ҳаётини бахтиёр кўринишда бермокчи ва шу йўл билан ўзини таъкиб-сиртмоқдан саклаб қолмокчи бўлгандир. Чўлпон «Кеча» романида ўша тузумни «сиқик мухит», «кишанли жамият», «коронги мухит» дейди, бир қахрамони «кеча-кундуз ишлаб корнинг тўймаса, бу қандай замон бўлди?» дейди. Чўлпон «Кизил байроқ» шеъридаги Октябр инкилоби халқнинг кора кунини ёруғ қилди, деган фикрдан тезда қайтади: юртда авж олган талончилик, киргин, бузғунчилик, адолатсизлик, тенгсизликни кўргандан кейин икки ўт ичида қолади, ўртанади, ёнади, йиглайди. Энди «ўшал эски, жароҳатли қалбини сатрларнинг наштарила тилади», «йигловчи қолғувлари-ла» ўша фожияли мухитни таҳлил қилади:

Бир қўз йўқми қонли ёши томмаган,
Бутун қўнгил умидсизми, синикми?
(«Ёнгин»)

Ёки:

Қўз ёшимда ювсам
Юртнинг бағрини,
Тилим билан сўрсам
Оққан қонини...
Қонли кунлар тушди менинг бошимга.
(«Киз қўшиги»)

Чўлпонни ўша 20-йиллари йиглоки шоир, деб тилини кишишган, ижодини бўғишган. Ёнаётган юртини кўриб туриб, халк бошига тушган катта фожианинг гувоҳи бўла туриб, фожиавий шеърлар ёзмасдан иложи йўқ эди.

Чўлпон Тагор тўғрисидаги мақоласида унинг бошига тушган кулфатни — аввал биродарининг хотини, кейин ўзининг хотини, икки кизи, икки ўғли ва отаси ўлганини айтиб туриб, бундай дейди: «Тагорга ўлимнинг зарбаси ҳам жуда каттик бўлгон. Шунинг учун унинг асарларида ўлим тўғрисида кўп учратиларди». Мана, Чўлпон ўз кўз ёшларининг сабабини — ижодининг фожиавий пардада бўлганлигининг сабабини қандай равшан очиб беради. Чўлпон халкни бир жигаридек хис этган ва унинг фожиаларини ўз бошига тушган фожа деб билган. Чўлпон «Менинг ўйимми қора? Ёки юрт кўкида булут?» «Йўкса унга мангуликми қора тун?» дея экан, ўз танкидчиларига жавоб бергандай бўлади, яъни уни йиглатган юртдаги ахвол эканлигини таъкидлайди. Шоир зулмга бутун халк қаршидир, яъни «халк истаги: озод бўлсин, бу ўлка, кетсин унинг бошидаги кўланка» дейди. Чўлпон халкни озодликка, мустақилликка чакирувчи жарчиға айланади: янги тузумни бир қишан ва халқимизни қул тарзида идрок этади.

Тириксан, ўлмагайсан,
Сен-да одам, сен-да инсонсан,
Қишан қийма,
Бўйи эгма,
Қи сен ҳам хур тугилгансан.
(«Қўнгил»)

Чўлпоннинг «Гўзал Фаргона», «Бўзилган ўлкага» шеърлари шу қадар халқ орасига кенг ёйилдики, унга шу қадар катта рухий мадад бердики, совет тузумининг химоячилари бу асарга қарши қанчадан-қанча шеърлар, мақолалар ёғдиришди (Гайратийнинг «Тузалган ўлка» қаб). Бироқ шеър озодлик мадҳиясига айланиб кетди. Боймирза Хайит бундай ёзади:

. «Миллий қўмита (Олмонияда тузилган Миллий Туркистон Миллий қўмитаси — С.М.) Чўлпоннинг «Гўзал Фаргона» шеъри ва унинг қуйи асосида бироз ўзгартиш билан миллий Туркистон миллий маршининг пайдо бўлишига ташаббусчи бўлди. Бу «Гўзал Туркистон» бугунги кунда чет мамлакатларда яшаган муҳожирилариимиздан бугунга қадар ажралмаган севиқли бир миллий қуй бўлиб хизмат этмақдadir...»

Чўлпоннинг образлари орасида «бўри», «қарға», «бой-қуш», «шайтон» қаб рамзлар тез-тез учраб туради. Қаранг: «Бўрилардан омон қутмақ тентақларнинг ишидир», «Қўнғим қаб йиқик уйлар, қишлоқлар бойқушларга бузук қўқсин очганми?». Бу образлар остида шоир рус халқини эмас, балки рус босқинчиларини, большевикларни, чоризм сиёсатини давом эттирувчиларни қош этмоқчи. Чўлпон рус халқи, рус адабиёти ва маданиятини қоят севар, қадрлар эди: рус тилини зўр билган, рус ёзувчиларининг шох асарларини ўзбекчага ағдарган, рус аёлига уйланган. «Кеча ва қундуз» романида рус аёлининг ижобий образини яратган ва х.к.

«Аслида большевизм Чор Русиясининг Туркистон сиёсатини мураккаб равишдаги давомидир, — деб ёзади Боймирза Хайит. — Биз бу ерда нима учун бундай фикрда бўлмоқдамиз, дейилган саволга жавоб бериш ўрнига муҳоқид ва шақид шоиримиз Чўлпон шеърларидан бир қабтини хотирласақ, масала аниқ бўлса қерак, деб ўйлаймиз: Чўлпон шундай ёзган эди:

На исён, на тўлкин, на тўфон, на ўт.
Кўзимда огир бир таслим нури бор.
Эй ўтли кечмишим, юзингни беркит,
Сенда шайтонларнинг хаксиз зўри бор.

Миллатимиз Чўлпон оркали билдирилган туйгуни кўп вақтдан бери англаган эди. Миллатимиз шайтонларнинг зўрлигидан кутулмок йўлига кирди. Туркистон Русияни истило этмади, аксинча Русия Туркистонни ишгол этди. Бунинг билан икки халк орасида тарихий рақобатлар бошланди. Рус миллати империалист эмасдир. Аммо унинг империалистик табиатини ташиган вакиллари бутун дунёдаги империализмнинг устозларидир. Русиянинг шундай бир тўдаси Русиянинг ҳам ҳокимидир. Туркистон Русиянинг Салтиков-Шчедрин айтганидек «абдий ейдиган, лекин тўймаган» («вечно жирюших, но не сытых») табиатидан кутулмокни истайди. Туркистон ҳеч бир вақт рус халкининг душмани бўлмагандир».

Чўлпон худди шу позицияда турди. Чўлпон ҳам рус халкининг душмани бўлмаган, аксинча унинг маданиятини, эркилик руҳини ўзбеклар орасида тарғиб этган. Аммо босмачилик даврида золим большевик руслар элни шафқатсиз кирди, талади. Туркистон Халк Комиссарлар Кенгашининг раиси К. Отабоев 1922 йил 18 июлда Туркистон коммунистларининг тўртинчи пленумида қилган докладыда Кўконга дашноқлардан тузилган отряд юборилганини айтади. Улар савдогарлардан тортиб шаҳарнинг оддий қосибларига ҳаммасининг бор-будини тортиб олади, ўзларини отиб ўлдиради, мачит-мадрасаларни, Куръони Каримни ёндириб юборадилар, ҳатто намоз ўқиётганларни ўққа тутадилар, хотин-халажларни зўрлайдилар, қози-уламоларни хибсга оладилар, дехқонларнинг овқатидан тортиб уругликлариغا ҳаммасини тортиб оладилар. Шу тўғрисида «бутун омма совет тартибига қарши кўзғолон кўтарди», дейди Отабоев. Чўлпоннинг большевизмга, рус босқинчиликларига қарши исёни қонуний ва адолатли эди:

Кўлимда сўнги тош қолди,
Ёвимга отмок истайман.
Кўзимда сўнги ёш қолди,
Амалга етмок истайман.

Бу қаҳрамон, жасур шоирнинг рост сўзлари эди. Ҳаёт, воқелик шу қадар қайноқ, алғов-далғовли эдики, бу ҳолат Чўлпон шеърларида «денгиз», «тўлкин», «пўртана», «киёмат» каби образларни тугдирди. «Қанот» образида эса эркинлик ва озодлик учун интилиш туйғусини беради: «Менда қанот бор, лекин боғланган», «Қарчаган қанотим қуч сезди» дейди. Шоирнинг «чечак», «қўқлам», «бахор», «гул» образларида ҳам унинг олий орзу-армони — озодлик, муштакиллик туйғуси ётади. Махмудхўжа Бехбудий хотирасига ёзган шеърида «Азиз отам, қўлимдаги гулларнинг мотам гули эканини билмайсан, шодлик гули қўпдан бери сўлганин», дейди «Қўқлам билан юртимга ҳам бир қўқариш қелсайди», деб орзу қилади. Шоирнинг «тилак юлдузи», «нажот юлдузи», «чиқадиган қуёш» иборалари остида ҳам унинг умиди ётади.

Чўлпоннинг қалби, орзу-армони шеърлятигагина эмас, балки бутун ижодида синггиб кетган эди. Ҳатто «Ҳамлет» ёки «Она» романи таржимасида ҳам Чўлпоннинг эрк, адолат, одамийлик ва ҳақиқатга бўлган чексиз ташналиги мавж уради. Зероки, бундай

асарлар худди шундай рух билан Чўлпонни мафтун этган эди.

Чўлпон ўнлаб драмалар ёзди, кўплари ўз вақтида сахналаштирилди. Афсуски, уларнинг талайгинаси босилмаган эди, кўлёмалари ҳам йўқ бўлиб кетган. «Бой», «Халил фаранг», «Чўпон севгиси», «Чўрининг исёни», «Узун кулок бобо» каби сахна асарларини ёзган. «Ўрток Каршибоев» пьесаси қўйилганда матбуотда кизгин мунозаралар бўлган. «Ёркиной» пьесаси нашр этилган, 1992 йилда Чўлпоннинг «Замона хотини» (ўз вақтида «Муштумзўр» сарлавҳасида сахналаштирилган) асари топилиб нашр этилди. Чўлпон В. Яннинг «Хужум» пьесасини ўзбек тилига таржима қилиш ва қайта ишлаш, тўлдириш орқали ҳам ўзбек театри шухратини Москвада ёйилишига ўз улушини қўшди (1930 йилда Москвада ўзбекистонлик артистлар уни намоёни қилди ва ижобий баҳолади). В. Ян ўз «Кундалиги»да «Хужум»ни биз Чўлпон билан бирга ёзганмиз», деб таъкидлаган. Асар тили гоёта жозибали, халқ қўшиқларига бой, ҳазил, мутуйба, аскиялар сингдирилган унга. 1921 йилда сахна юзини кўрган «Ёркиной»ни танқидчилик найза билан қўтиб олган ва ҳатто «бугундан бошлаб пролетариат сахнасидан қўтариб ташлансин», деб ҳукм қилинган эди матбуотда. Аслида эртак асосида ёзилган бу асарда зулм, адолатсизлик, эрксизлик, қонхўрлик қаттиқ танқид қилиниб, унга қарши фаол курашган одамлар улугланган, адолатли, фозил тузум, адолатпарвар шох, чин севги-садокат идеали олға сурилган эди. Ёркиной ва Пўлатлар адолат учун курашчилар тимсоли сифатида берилади. «Замона хотини» (1928) пьесасида аёллар эрки ва уларнинг жамиятни бошқаришдаги иштироки масаласи қўтарилган бўлса-да, асар моҳиятида адолатли тузум, ҳақиқатпарвар ва инсонпарвар жамият орзуси етади. Бош қаҳрамони Раҳима хола тили орқали Чўлпон «Билинги, ҳукумат чирог: сизнинг қўлингизда ўғирликка ишласа, менинг қўлимда тўғрилиқка ишлайди», деб ёзади. Қаҳрамонлардан бири «Қандай қилайлик шуларнинг қўлида қул эканмиз», бошқаси «илоҳим, ер ютсин большевойни. Ҳаммани қон қакшатиб кетди. Бу ҳукумат ўзининг амалдорини ҳам ҳеч аямайди. Қанча қатталарни ўзи отиб юборди» дейди. Қўриниб турибдики, Чўлпон ўша тузум, ўша тартибга жуда танқидий ёндашади, ўзи қаттиқ тазйиқда бўлса ҳам ҳақиқатни айтишдан қайтмайди. Чўлпоннинг жамият, тузум қандай бўлиши керак, халқ қандай яшаши кераклиги ва зулм, зўравонлик, тенгсизлик, мустиқлик хусусидаги қарашлари унинг «Кеча ва кундуз» романида янада қенг, атрофлиқа ўртага ташланди. Биринчи жаҳон уруши пайтидаги Туркистон халқининг аҳволини, турмуш тарзини, қоризм мустиқлақчилигининг муҳиш оқибатларини, қор амалдорларининг маънавий бузуқлигини ва халқнинг зулмга, зўравонликка қарши исёни, маърифат, нурга интилишини ақс эттирган бу роман Чўлпон талантининг яна бир ёркин қиррасини намоёни қилади. Романдажадид Шарафиддин Хўжаев Мирёкубга қор амалдорларини назарда тутиб: «Биз буларни ёмон қўрамиз. Булар — бизнинг душманлар», «Бизнинг мамлақатимизга рус ҳукумати бир «мустиқлақ» деб қарайди, яъни мамлақатларнинг ўғайи сингари... Шу учун бу ерга яхши амалдорларни юбормайди», дейди. Қоризм вақили Нойиб тўра ҳам қоризмнинг инқироз сари юз тутганини ҳис қилади. У «буюқ империя даҳшатли тўлқинлар ичида зулматга, белгисизликка, йўқликка қараб кетаётир», дейди. Мирёкуб империянинг нима эканлигини сўраганда, Тўра подшоҳнинг девордаги суратини, сўнгра ўзини ва елкасидаги қонини қўрсатади. Чўлпон романда шу империянинг ҳалокат сари йўл тутганига қитобхонни ишонтиради: биринчи жаҳон урушида Россиянинг толиқиши, мустиқлақ ўлкаларда маҳаллий халқнинг қор зулмига қарши исёнлар қўтаришини қўрсатади. Тўра юзлаб одамларни қириб ташлайди, қамокка олади, сургун қилади, қишлоқларни ер билан яқсон этади, оддий халқни одам ўрнида қўрмай,

бой-амалдорларга ён босиши, миллат манфаатини ўйламайдиган лаёкатсиз, кўгирчок одамларни (Акбарали каби) рахбар қилиб тайинлаши, ахлокий тубанлиги (Тўра ҳам бузук, хотини эса хизматкор Зуннун, кейин Мирёкуб билан ишрат қилади) ва ҳ.к. Хатто кундошлар можароси билан тасодифан захарланиб ҳаётдан қўз юмган Акбарали мингбоши ўлимини (унинг учинчи хотини Султонхон Зебини захарлаш учун тайёрлаган сувни тунда Зеби билмасдан эри Акбарали мингбошига чириб қўяди) ҳам Зебини суд қилаётганда прокурор «Руия давлатига ва подшога садокат билан танилган одами» қасддан ўлдирган деб сиёсий тус беради ва Зебини ўлимга ҳукм қилинишини талаб қилади.

Романда Чўлпон ўлканинг мустақилликка эришиши оясини («Кичкина миллатлар мустақил бир ҳукумат қуриб» яшаётганини айтади), туркий халқларнинг бирлашишида «тилда, фикрда, ишда бирлик» керак дейди ва иқтисодий бирдамликка эришиш учун шахсий ташаббусга, ишбилармонликка кенг йўл очиб бериш, эркин савдони ривожлантириш лозимлиги тўғрисида фикр юритади. Бу фикр-армонларни жадид Шарафуддин Хўжаев образи орқали, Мирёкуб тақдири орқали олға суради. Илғари Акбарали мингбошининг суянчиги, айтиш мумкин, акли, тили-забони бўлган, ниҳоятда эпчил, ишбилармон, аммо ахлокий бузук Мирёкуб жадид Шарафуддин Хўжаев билан суҳбатлашгач, жадидликни англайди, «қўзим очилди», дейди ва бундан кейинги ҳаётини жадидлар каби миллат манфаатига бағишлашини айтади. Ёзувчи Мирёкубни унинг виждони орқали тергов қилади. Мирёкуб барча қилмиш-қидирмишларининг сабабларини айтади. Шу тергов ва кундалиқ дафтари орқали Мирёкубнинг, Марямнинг руҳиятида содир бўлаётган ўзгаришларни кўрсатиб беради. Бундай ўринлар драмага ўхшаб кетади. Дарвоқе, романда кўрсатиш, ҳаракат, саҳнавийлик кучли. Ҳамма воқеа ва қаҳрамонларнинг ҳолати, ҳатти-ҳаракати, қураши бевосита қўз олдингизда намоён бўлади. Роман мустақил, аммо бир-бирини тақозо этиб турган саҳналардан ташкил топгандай. Бу саҳналар ўткир Драматизм билан сугорилган. Роман заминидида фожиавийлик ётади. Асар бошиданок, табиат ҳам, Зебилар ҳам эркинликка талпинишади. Ёзувчи Зебини тутқун — қафасдаги қушга ўхшатади. У бир оз озодликка чиққан қушдай қишлоқда озод нафас олади ва худди шу ерда тузукка илинади — Акбарали мингбошига тўртинчи хотин бўлиб, кундошлар жанжалининг ўпқонига тушади. Бойнинг учала хотинининг тақдири ҳам фожиали, ўша тузум уларни ахлокий майиб қилган. Зебининг суд қилиниши жараёни романнинг энг юксак нуктасидир. Мустамлакачилар Зебини сиёсий жинойатчига чиқариб, Сибирга сургун қилади. Зеби ўзининг айбсиз эканлигига қаттиқ ишонади, бу содда қиз суд қўйиб юборганда уйга қандай кетишини ўйлаб ўтиради. Ҳукми эшитгач, лол, қарахт бўлиб қолади ва уларга бўлган бутун ишончини йўқотади. Отаси Раззок сўфи аёлларга паст назар билан қарар ва бойлар, амалдорлар, айниқса, пири эшонларнинг соясига салом берар эди. Зеби тақдирини эшитиб, эшонга ёрдам сўраб боради, у ашула айтиб, хурсанд ҳолда кутиб олади, далда бериш ўрнига уни сургун қилмаганликлари учун афсусланади. Шунда Раззок сўфининг қўзи очилади, унга қарши қўл қўтаради. Эшон уни дарра билан савалатиб, музлаган ховузга ташлатади. Кейинча сўфи барибир эшонни ўлдириб кетади. Зеби ҳажрида онаси ҳам жинни бўлиб қолади. Зебининг илк муҳаббати ҳам гунчалигидаёқ ер билан яқсон бўлади. Ёзувчи фожиалар ўтмиш — «кеча» туфайлидир, демокчи бўлади.

Чўлпоннинг «Кеча ва кундуз» романи А. Кодирийнинг «Ўтган кунлар» ва «Меҳробдан қаён» романларидан кейин ўзбек адабиётида яратилган етук романлардан бўлиб қолди.

Чўлпон шеърияти, прозаси, драматургияси ва бебахо таржималари доим махорат мактаби бўлиб қолади.

АМАЛНИНГ ЎЛИМИ

Кўнглимда йиглаган малаклар кимлар?
Шаркнинг оналари, жувонларими?
Каршимда йиглаган бу жонлар кимлар?
Куллар ўлкасинг инсонларими?

На учун уларнинг товушларида
Ўтган асрларнинг оханги йиглар?
На учун ёзмишнинг ўйнашларида
Хар юриш кўнглимни наштардек тиглар?

Кенглик хаёллари учдими кўка
Бутун умидларни ёвларми кўмди?
Мангу туткунликка кирдими ўлка?
Хаёлда порлаган шамларми сўнди?

Кечанинг жон олгич коронгулиги,
Нажод юлдузини хаёлми билди?
Шунча туткунларнинг хакки, хаклиги
Бир ховуч тупрокка курбонми бўлди?

Охимнинг ўтидан чиккан шуълалар,
Шаркнинг кўкрагида бир топмасми?
Кўксимдан кисилиб чиккан наъралар,
Ухлаган дилларга кулиб бокмасму?

КЎНГИЛ

Кўнгил, сен мунчалар нега
Кишанлар бирла дўстлашдинг?
На фарёдинг, на додинг бор,
Нечун сен мунча сустлашдинг?

Хакорат дилни огритмас,
Тубанлик мангу кетмасми?
Кишанлар парчаланмасми,
Киличлар энди синмасми?

Тириксан, ўлмагансан,
Сен-да одам, сен-да инсонсан;
Кишан кийма, бўйин эгма,
Ки, сен хам хур тугилгонсан!..

